

## КАРАНТИНГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Муаллиф: Рўзмаматов Рўзмамат*

**Аннотация;** Ушбу битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирини амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тушунчалар, умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимолик профилактика чора-тадбирларининг бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш фаолиятини ташкил этиш доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар.

**Annotation:** The relevance of the topic of research in this graduation work, the concept of organizing activities for the implementation of measures of inferior prophylaxis, the current state and implementation of general, special, individual and preventive measures of prevention. In addition the practice analysis of the norm of the organization of prophylactic offenses, and procedural documents, activities and shortcomings in the activity. Implementing the activities of prevention of offenses other than the best international practices of foreign

**Калит сўзлар:** карантин, карантин қоидалари, карантин билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бир бири билан ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган усул ва шакллари, чора-тадбирларнинг йиғиндисидан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйдаги турлари мавжутлиги кўрсатилган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси; □ ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси; □ ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни

тартибга солувчи қонун ҳужжатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими деб, таъриф берилган<sup>1</sup>. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституциянинг кўпгина моддалари ҳам бевосита профилактик хусусиятга эга бўлиб, фуқароларнинг жамиятдаги умуминсоний, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ҳамда қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилганлигида кўринади.

Умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга, шунингдек аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасига оид профилактик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолият тушунилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. Шулардан биринчиси ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этишда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқбузарликнинг сабаб-шароитлари, бошқа детерминантларини аниқлаш ва бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатмоқда:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 2014й 14 май, 3 м. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014.

*Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси* – хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассаларнинг айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга доир фаолятидир. Махсус профилактикада жамиятда шаклланаётган салбий, ижтимоий иллатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш чораларини махсус тадбирлар орқали амалга ошириш билан хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлайди. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси асосий йўналишлари ва чоратадбирлари маъмурий ҳудуднинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб белгиланади. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифасининг кўпайиши; жамоат тартибига ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият ва давлат манфатларига тажавуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши оқибатида ташкил этилади.

*Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси* хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассаларнинг ғайри ижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишига доир фаолиятига айтилади. Мазкур турни қўллашда сўбектларнинг хуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахснинг ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, хуқуқбузарликлар содир этишга мойиллигини инобатга олган ҳолда ундаги салбий иллатларни бартараф этиш орқали хуқуқбузарликларни барвақт профилактикасини амалга оширади.

*Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси* - Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чоратадбирларни қўллашга доир фаолияти ҳисобланади. Ўз навбатида виктимологик профилактикада фуқарони хушёрлигини ошириш, ўзини эҳтиётлашга ва ўзини - ўзи хуқуқий, жисмоний химоя қила олишга ўргатиш, уларни онгини шакиллантириш билан уларга нисбатан хуқуқбузарликлар содир этилмаслигидан барвақт профилактикаси чоралари кўрилади.

Профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги доимий равишда кенг жамоатчиликнинг иштироки ва ҳамкорлигига муҳтож жараён эканлигини инобатга олганда, Ўзбекистон Республикасининг

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (25.09.2014 й.) қонунининг ушбу соҳанинг ҳуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти яққол кўзга ташланади. Қонунда ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари, асосий принциплари, соҳалари, асосий шакллари, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби, ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ушбу соҳага доир бошқа масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ермаков А.Г.* Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2011.
2. *Жильский Н.Н.* Органы внутренних дел в государственном механизме обеспечения общественного порядка и безопасности граждан: Организационно-правовой анализ: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – СПб., 2000. – С. 17.
3. *Зиёдуллаев М.З.* Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг илғор хориж тажрибасини мамлакатимизга жорий этишнинг асосий йўналишлари // Жамият ва бошқарув. – 2016. – № 4. – Б. 181.
4. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктлари бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. докт. дисс. автореф. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 13